



Сариоси туман тиббиёт бирлаш маси
А Сандиазаров
2022 йил

Сариосиё туман тиббиёт бирлашмасига карашли жаррохлик булими биносини жорий таъмирлаш
ишилари
объекти бўйича:

ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ УЧУН ҲУЖЖАТ

ТАНЛАШ ҲУЖЖАТНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ

Сариосиё туман тиббиёт бирлашмаси."
Ташкилот номи

2022 йил

МУНДАРИЖА

НАШРДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН ЭЪЛОН МАТНИ

(Танлаш иштирокчиларига тақдим этилмайди)

ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ

УМУМИЙ ҚИСМ

ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ ТЕХНИК БАҲОЛАШ
МЕЗОНЛАРИ

ТАНЛАШ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ АНИҚЛАШ
СХЕМАСИ

ТЕХНИК ҚИСМ

БАЖАРИЛАДИГАН ИШ ҲАЖМЛАРИ РЎЙХАТИ

ТИЖОРАТ ҚИСМ

БҮЮРТМАЧИНинг бошланғич нархи

ҚУРИЛИШНИ ЯКУНЛАШ МУДДАТИ

МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАСИ

МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ

ШАРТНОМА ВАЛЮТАСИ

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !!!

Сариосиё тиббиёт бирлашмаси *
(Буюртмачи ташкилот номи)

Энг яхши тақлифни ТАНЛАШ учун зълон қўлади

Объект номи Сариосиё туман тиббиёт бирлашмасига карашли жаррохлик булими биносини жорий таъмирлаш ишлари бошланғич нархи – 102050434 Бир юз икки миллион эллик минг турт юз уттиз турт (**сўм.** (КҚС билан))

Ишларни тугаллаш муддати – 10 календарь кун.

Буюртмачи: Сариосиё туман Тиббиёт бирлашмаси
• , Тел (76)48-74-343.

Молиялаштириш манбаси: Бюджет маблағлари хисобидан.

- ◆ Танлаш иштирокчилари қўйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим: иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техниқавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
 - ◆ Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлашда қатнашганда, танлаш тақлифларини баҳолашда маҳаллий танлаш иштирокчиларга қўйидаги нарх кўрсаткичлари хисобга олинади;
 - ◆ Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлаш тақлифлари қонун хужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солигидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиги суммаси қўшимча равишда хисобга олинади.
- Танлаш иштирокчилари танлашда қатнашиш тўғрисидаги тақлифлари ва танлаш хужжатларини etender.uzex.uz сайдидан олишлари мумкин
- ◆
 - ◆ Тасдиқланган танлаш хужжатлари буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича etender.uzex.uz маҳсус аҳборот порталидан юклаб олишлари мумкин.
 - ◆ Таклифлар танлаш ташкилотчиси томонидан etender.uzex.uz электрон танлаш зълонида чоп этилган кундан бошлаб тугайдиган вақтига қадар қабул килинади.

ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Сариосиё туман тиббиёт бирлашмаси нинг жаррохлик булими биноси
(буюртмачи номи ва объект номи)

танлашда иштирок этишга танлаш иштирокчиларини тақлиф этамиз ва қўйидаги объект бўйича танлаш тақлифини тақдим этилишини сўраймиз.

Объект номи: Сариосиё туман тиббиёт бирлашмасига карашли жаррохлик булими биносини жорий таъмирлаш ишлари

Жорий таъмирлаш бошланғич нархи – 102050434 Бир юз икки миллион эллик минг турт юз уттиз турт **сўм.** (КҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати – 10 календарь кун.

Буюртмачи Сариосиё туман тиббиёт бирлашмаси Тел (76) 48-77-449

Молиялаштириш манбаси: : Бюджет маблағлари хисобидан.

Таклиф этилган шартлар бўйича танлашда мурожаат билан маҳаллий ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

Энг яхши таклифни Танлашда иштирок этиши учун иштирокчиларга қўйидаги талаблар қўйилали:

фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;

доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;

ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган);

тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);

танлаш обьектига ўхшаш обьектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;

бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;

устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Агар танлаш предмети бўлган иш (хизмат)ларни бажариш билан боғлик фаолият қонун хужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур бўлса, танлашда иштирок этиши учун белгиланган тартибга асосан тегишли лицензияга эга бўлган танлаш иштирокчиларга рухсат этилади.

Қўйидаги танлаш иштирокчиларига танлаш жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (бўлинниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар.

Хар бир обьект бўйича қурилишда ишлатиладиган машина ва механизмлар рўйҳати тўлиқ илова қилиниши керак.

Хар бир обьект бўйича тендерга зълон берган вақтида ишчилар сони ва инженер техник ходимлар сонини тўлиқ кўрсатилиши керак. Мехнат дафтарчалари ва буйруқ ҳар бир ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўлиши керак.

Агарда комиссия томонидан текширишда ёки баҳолангандаги нотўғри маълумот берилса тендер хужжатлари кўрилмасдан қайтариб берилади ва чиқариб юборилади.

Танлаш таклифини тайёрлаш ва тақдим этиши учун керакли барча хужжатлар танлаш иштирокчилари учун йўрикномада акс эттирилган.

Танлаш иштирокчилари танишиб чиқиши ва танлаш таклиfini тузиш мақсадида танлаш предметининг таъмирлаш хужжатлари, хусусан, таъмирлашнинг график қисми (чизмалари)ни тақдим этилиши ҳақида танлаш ташкилотчисига мурожаат қилишга ҳақлиdir.

Буюртмачи ёки танлаш ташкилотчиси обьектнинг таъмирлаш хужжатларини, шунингдек унинг график қисмини (чизмаларнинг нусхаси ёки электрон варианти)ни танлаш иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур.

Танлаш иштирокчилари танлашда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлаш хужжатларини etender.uzex.uz сайдидан олишлари мумкин

Таклифларни топшириш танлаш иштирокчисининг танлаш хужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари,

материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан таъмирлашнинг тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Таклифларни очиш танлаш эълон қилинган санадан бошлаб (Бир) кундан кейин танлаш комиссияси томонидан бўлиб ўтади.

ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

I. ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

1.1. Буюртмачи - танлаш ахборот жадвалида (кейинги ўринларда ТАЖ деб аталади) кўрсатилган объект бўйича ишларни олиб боришини мўлжаллаб, танлаш ташкилотчиси номидан иш юритиб, ТАЖда кўрсатилган объект бўйича танлаш эълон қилади.

1.2. Танлашнинг тури – очиқ танлаш, агар ТАЖда бошқача айтиб ўтилмаган бўлса.

1.3. Ишлар танлаш хужжатларининг иловада кўрсатилган намунавий пудрат шартномаси талабларига биноан бажарилиши лозим.

1.4. Курилиш ишлари, Ўзбекистон Республикаси худудида амал қилувчи шаҳарсозлик нормалари ва коидаларига тўла мос келишини таъминлаш максадида, талаб қилинадиган барча ишчи кучлари, курилиш материаллари, ёнилги, жиҳозлар, умумий ва алоҳида характеристдаги иш турлари, барча зарур бўлган йўлдош ва ёрдамчи иш ва материаллар, танлаш иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутади.

II. ТАНЛАШ ХУЖЖАТЛАРИНИНГ МУНДАРИЖАСИ

2.1. Ушбу танлаш хужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги 2021 йил 22 апрелдаги №ЎРҚ 684-сонли конунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги конунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидагиги ПҚ-3953-сонли карорининг талабларига биноан ишлаб чиқилган ва умумий, техник ва тижорат қисмларидан иборат.

2.2. Умумий қисм танлаш иштирокчиларига таклиф, шартноманинг умумий талаблари ва мазкур йўриқномани, шакл ва иловалар кўшилган холда, ўз ичига олади.

2.2.1. Шакллар рўйхати:

1-шакл. Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолати.

2-шакл. Танлаш иштирокчиси ҳакида умумий маълумотлар.

3-шакл. Танлаш иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.

4-шакл. Танлаш иштирокчисининг иш ҳаки жамғармаси ва ҳодимлар ўртacha сони бўйича кўрсаткичлари.

5-шакл. Банк кафиллари.

6-шакл. Танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охирги уч йиллик иш тажрибаси.

7-шакл. Танлаш иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати.

8-шакл. Танлаш иштирокчисининг жорий даврдаги бошқа (пудрат шартномалари) объектлари.

9-шакл. Курилиш майдончасини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома.

2.2.2. Иловалар рўйхати:

1-и洛ва. Курилишни бажариш буюртманомаси,

2-и洛ва. Объектнинг курилиш ишларини бажариш графиги.

3-и洛ва. Объект курилишини молиялаштириш графиги.

4-и洛ва. Объектнинг жамланма жадвали, объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхати, объект курилишининг шартномавий нархини белгилашда ишлатилган асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари.

2.3. Техник қисм:

буюртмачи томонидан тасдиқланган киймати киритилмаган физик иш ҳажмлари рўйхати; (4-и洛ва асосида)

жиҳозлар, материал ва конструкциялар буюртмасининг тўлиқ рўйхатидан иборат.

Изоҳ: Таъмирлашнинг хусусиятига қараб техникавий қисм марқибига ТАЖга биноан бошқа хужжатлар ҳам киритилиши мумкин.

2.4. Тижорат қисми:

курилишнинг бошлангич нархи;

курилишнинг муддати;

молиялаштириш манбаси, шартлари ҳамда шартнома лойиҳасидан иборат.

III. ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. Мазкур таъмирлаш ишлари бўйича танлашда таклиф этилган шартлар бўйича иштирок этиш максадида мурожаат маҳаллий ва хорижий курилиш ташкилотлари танлаш иштирокчиси бўлиши мумкин.

3.2. Танлаш иштирокчиси танлашда иштирок этиш учун танлаш ташкилотчисига мурожаат этиши, мазкур йўриқноманинг VII боби талабларига биноан танлаш таклифини тақдим этиши лозим.

3.3. Танлаш иштирокчиси ўзининг танлаш таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиш билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олиши керак. Бунда буюртмачи, танлаш ташкилотчиси ва танлаш комиссияси танлаш натижаларидан қатъий назар мазкур харажатлар учун жавобгар бўлмайди.

3.4. Танлаш иштирокчилар томонидан тақдим этиладиган хужжатлар (таклифлар) танлаш хужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб берishi керак.

IV. ТАНЛАШ ХУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ

4.1. Буюртмачи танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч күн олдин танлаш хужжатларига ўзгартыришлар киритиш түғрисида карор кабул килишга ҳакли. Иш ҳажмларни (хизматларни) ўзгартыришга йўл кўйилмайди. Бунда ушбу танлашда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлаш хужжатларига ўзгартыришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак.

Шу билан бир вактда, танлаш ташкилотчиси киритилган ўзгартыришлар ҳакида танлашда иштирок этиш истагини билдирган танлаш иштирокчилари билдиришномалар юборади.

4.2. ТАЖда кўрсатилган муддат доирасида танлаш иштирокчиси ёзма равишида танлаш ташкилотчисига танлаш хужжатлари бўйича тушунтириш ва аниклик киритиш мақсадида мурожаат килишга ҳакли.

4.3. Танлаш ташкилотчиси танлаш иштирокчисининг сўрови бўйича танлаш хужжатларига оид маълумот ва материалларга тушунча бериш билан боғлик сўровлар моҳияти бўйича таклифларни топширишнинг ТАЖда кўрсатилган муддатдан кечикмасдан ёзма равишида жавоб беришига, сўров манбасини кўрсатмаган холда танлашда иштирок этиши истагини билдирган танлаш иштирокчиларига жавобларни жўнатишга мажбур.

4.4. Танлаш хужжатларига ўзгартыришлар ва кўшимчалар киритиш улар буюртмачи, танлаш ташкилотчisinинг шахсий ташаббуси билан ёки танлаш иштирокчисининг сўровига жавобан амалга оширилганлигидан қатъий назар “Танлаш иштирокчилари хабарнома” кўринишида расмийлаштирилади ва танлаш хужжатларига кўшимча бўлиб колади. Шу кўринишида расмийлаштирилмаган ўзгартыришлар ва кўшимчалар кучга эга бўлмайди. Буюртмачи ёки танлаш ташкилотчиси танлаш иштирокчилари ноконуний киритган ўзгартыриш ва кўшимча учун жавобгар бўлмайдилар.

4.5. Танлаш иштирокчилари хабарномани олгач унинг илова килинган нусхасига имзо чекиб, дархол уни ташкилотчига кайтаришлари керак.

4.6. Танлаш иштирокчилари учун хабарнома тузишдан олдин оғзаки шаклда килинган йўрикномалар эътиroz учун асос бўла олмайди.

4.7. Танлаш иштирокчиларига ўз таклифларига ўзгартыришлар киритиш учун зарур вакт тақдим этиш мақсадида ташкилотчи танлаш комиссияси билан келишилган холда мазкур йўрикноманинг ХІІІ бобига мувофик таклифлар тақдим этиш муддатини узайтириши мумкин. Бунда танлаш иштирокчиларига жўнатиладиган хабарномада таклифлар тақдим этиш муддатини янги охирги санаси белгиланади.

V. ХУЖЖАТЛАРНИ ЎРГАНИШ

5.1. Танлаш иштирокчилари танлаш ва таъмиглаш ишлари хужжатларини ўрганиб чикишлари керак, танлаш иштирокчилари танишиб чикиш мақсадида танлаш предметининг таъмиглаш хужжатлари, хусусан, таъмилашнинг график кисмини буюртмачи ёки танлаш ташкилотчиси томонидан тақдим этилиши ҳакида мурожаат килишга ҳаклидирлар.

Шунингдек, буюртмачи ёки танлаш ташкилотчиси таъмилаш хужжатларини танлаш иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданок тақдим этишга мажбур.

5.2. Танлаш иштирокчилари ишлар олиб бориладиган ер участкасини, мавжуд бино ва иншоотларни бориб кўришлари, жойнинг ўзида лойиҳа-смета хужжатларини ўрганиш натижасида, талаб этилган ишларни олиб бориш учун ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг мазмун ва моҳияти билан танишилари, шунингдек иш муддати ва унинг кийматига таъсир этиши мумкин бўлган бошка масалаларни ўрганишлари зарур.

5.3. Таклифларни топшириш танлаш иштирокчисининг юкоридагиларни ўргангани ва унда бажариладиган иш ҳажмларига, материал ва конструкциялар ҳажмига, бошка шартларга нисбатан, таъмилаш туталлашга таъсир этиши мумкин бўлган савол ўқулигига далолат хисобланади.

VI. ТАНЛАШ ТАКЛИФИНИ ТАЙЁРЛАШ

6.1. Танлаш иштирокчилари томонидан тайёрланган таклиф, танлашга оид барча хабарномалар ва хужжатлар, танлаш иштирокчилари билан буюртмачи ва ташкилотчи ўртасидаги маълумот алмашувлар ТАЖда кўрсатилган тилда олиб борилиши лозим.

6.2. Танлаш иштирокчиси томонидан тайёрланган танлаш таклифида, унга оид барча хабарномалар ва хужжатларда метр системаси ўлчовидан фойдаланилади.

6.3. Танлаш иштирокчиси танлаш таклифини мазкур танлаш хужжатлари асосида тайёрлади. ТАЖда ва танлаш хужжатларининг бошка кисмларида кўрсатилган маълумотларда тафовут бўлганида, танлаш иштирокчиси танлаш таклифини тайёрлашда ТАЖ маълумотларини хисобга олиши лозим.

6.4. Танлаш иштирокчиси ўз танлаш таклифининг таркибида факат тўғри маълумотларни тақдим этиши шарт ва маълумотларнинг тўғрилигига жавобгардир.

VII. ТАНЛАШ ТАКЛИФИ ТАРКИБИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР

7.1. Танлаш таклифлари, 7.7-бандда кўрсатилган ҳоллардан ташқари, иккита - биринчи ва иккинчи йигма жилдан иборат. Биринчи йигма жилдга кирувчи хужжатларда танлаш таклифи кийматига оид хеч қандай ахборотлар бўлмаслиги керак. Таклифни ташкил этувчи барча нархлар, тарифлар ва якуний суммалар факат иккинчи йигма жилд хужжатларida бўлиши керак.

7.2. Биринчи йигма жилд таркиbidagi ҳужжатлар:

7.2.1. ТАЖда кўрсатилган суммага банк кафолатини (1-шакл) ёки ушбу суммани буюртмачининг маҳсус хисоб ракамига ўтказиш топширикномасининг нусхасини тақдим килиш йўли билан танлашда иштирок этиш буюртманомасини таъминлаш амалга оширилади. Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолати объект бошлангич нархининг 0,5 фоизидан ошмаслиги зарур. Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолатининг амал килиш муддати ТАЖда кўрсатилган.

7.2.2. Танлаш иштирокчиси ҳакида умумий маълумотлар (2-шакл). Шаклни тўлдиришда мутахассислар рўйхати ва ишчилар сони танлаш иштирокчиси томонидан мустакил кўрсатилади. Кўрсатилган ходимларнинг ҳақиқатда мавжудлиги, уларни иш стажи ва малакасини тасдикловчи хужжатлар нусхасини тақдим этишга мажбур.

7.2.3. Танлаш иштирокчисининг охирги уч йилдаги молиявий ахволи (3-шакл). Шаклга Танлаш иштирокчиси аудитор компаниясининг холосаси ёки молиявий натижалар ҳакидаги хисоботлар (баланс хисоботлар)нинг нусхаларини илова килишга мажбур. Агар ТАЖда бошкacha кўрсатилмаган бўлса, 4-шаклдаги маълумотлар минг сўмда келтирилади.

Объектнинг буюртмачи белгиланган бошлангич нархининг 20 %гача микдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат килувчи банк томонидан тасдикланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади.)

7.2.4. Тендер иштирокчисининг иш ҳаки жамғармаси ва ходимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари (4-шакл). Шакл ташкилотнинг охирги хисобот даври асосида молиявий кўрсаткичлари тўлдирилиб тегишли солик органлари томонидан тасдикланади.

7.2.5. Танлаш предметига ўхша什 объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси (5-шакл). Ушбу жадвалда танлаш иштирокчиси танлаш предметига ўхша什 ишларнинг асосий турларини кўрсатиб ўтиши (кенгайтирилган ҳолда ҳам мумкин) ва ушбу ишларнинг бажарилган суммасини кўрсатиши керак. Шаклда кўрсатилган маълумотларни тасдиги сифатида давлат қабул комиссияларининг далолатномалари (агар танлаш иштирокчиси ёрдамчи пудратчи сифатида бўлган бўлса хисоб-фактура маълумотномалари) илова килинади.

7.2.6. Танлаш иштирокчиси ишларни бажарища фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати (6-шакл). Агар ТАЖда бошка ҳолат кўрсатилмаган бўлса, ижара ва лизинг асосидаги машина ва механизмлардан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда танлаш иштирокчиси таъмирлаш ишларининг бажариш даврида ҳақиқий бўлган лизинг ёки ижара шарномасининг нусхасини илова килиши керак.

7.2.8. Талабгорнинг танлаш ўтказилаётган даврдаги жорий пудрат шартномалари (объектлари) бўйича маълумот. (7-шакл).

7.2.9. Курилиш майдонини кўздан кечиргандик тўғрисида маълумотнома (8-шакл).

7.2.7. Танлаш иштирокчисига берилган, хужжатларга имзо чекиш ва танлашда катнашиш ҳукукини берувчи ишончнома (9-шакл). Танлаш иштирокчисининг биринчи шахси (раҳбари) ҳозир бўлганда ушбу шакл тўлдирилмайди.

7.2.8. Иштирокчининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги хужжатларининг нусхалари.

7.2.9. Лицензиялар ёки рухсатномалар нусхаси, субпудратчининг лицензияси ва бошка хужжатлари (айрим ҳолларда), рухсатномалари нусхалари билан бирга, агар ТАЖда бошка ҳолат кўрсатилмаган бўлса. Лицензиялар ва рухсатномалар номи ҳам ТАЖда кўрсатилган.

7.2.10. Юкорида сўралган шакллар ва хужжатларга танлаш иштирокчиси ТАЖда кўрсатилган тасдикловчи хужжатларни илова килиши керак.

7.3. 2-йигма жилд таркибидағи хужжатлар:

7.3.1. Таъмирлаш ишларин бажаришга буюртма (1-илова).

7.3.2. Объектнинг курилиш ишларини бажариш графиги (2-илова).

7.3.3. Объект курилишини молиялаштириш графиги (3-илова).

7.3.4. Объект курилишининг шартномавий нархини белгилашда кўлланилган:

- жамланма жадвал;

- объектда бажариладиган иш ҳажмлари жадвали;

- объектда ишлатиладиган курилиш материаллари (материаллар таснифи ва микдори билан) рўйхатлари жадвали (4-илова).

Бажариладиган ишлар ҳажми жадвалини танлаш иштирокчиси ўз таклифида ҳар бир иш тури бўйича бир бирлик иш ҳажмлари нархини ресурсларни акс эттирмасдан тақдим қиласди.

Курилиш материаллари бўйича жадвални тўлдириш юзасидан 8.2 бандга каранг.

7.4. Буюртмачи танлашда катнашиш буюртмаси таъминотини куйидаги ҳолатларда кайтаради:

7.4.1. Танлаш голибига - шартнома (контракт) имзолангандан кейин;

7.4.2. Бошка иштирокчиларга - танлаш голиби билан шартнома (контракт) тузилгандан сўнг, аммо офертанинг амал килиш муддатидан кечикмай;

7.4.3. Таклифни тақдим этишнинг охирги куни ва вакти тугагунга кадар таклифларини кайтариб олган иштирокчиларга.

7.5. Буюртма таъминотини кайтариш, банк амалиётларининг харажатларидан ташкари, кайтариш асоси вужудга келган вактдан эътиборан 10 (үн) кун муддат мобайнида амалга оширилади.

7.6. Танлашда иштирок этишга буюртма таъминоти куйидаги ҳолатларда қайтарилмайди:

7.6.1. Таклифни тақдим этишнинг охирги куни ва вакти тугагандан кейин, унга ўзгартриш киритган, тендер таклифининг амал килиш муддати ва 7.4.2 бандда кўрсатилган муддатдан олдин кайтариб олган оферентга;

7.6.2. Танлаш голиби унинг таклифи амал қилиш даврида ўз таклиfinni kайtariB oлganda ёki танлаш хужжатларида белгиланган талабларда шартнома тузишдан бош тортганда.

7.7. Дастлабки малака танлаши орқали танлаш ўтказилганда биринчи йигма жилд хужжатлари малакавий хужжатлар деб, иккинчи йигма жилд хужжатлари эса танлаш таклифи деб хисобланади.

8.1. Ишларнинг киймати 4-иловада кўрсатилган объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатига биноан тақдим этилиши керак. Объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатида ҳар қайси ўрин бўйича бўш жойлар танлаш иштирокчиси таклиф этаётган баҳо кўрсатилган холда аниқ тўлдирилган бўлиши лозим. Танлаш иштирокчиси таклифининг умумий нархини аниклашда оралик суммалар жамланади. Танлаш иштирокчилар пудрат ишлари танлашда иштирок этаётгандага объектнинг таклиф этилаётган кийматини, курилиш-монтаж ишларининг шартномавий баҳолардаги тўғридан тўғри киймати сифатида бошка харажатлар ва қўшимча киймат солиги (ККС)ни хисобга олган холда белгилашлари керак. Курилиш-монтаж ишларининг тўғридан тўғри кийматига доимий коэффицент сифатида кўлланиладиган бошка харажатлар кийматини танлаш иштирокчиси мустакил равишда белгилайди ва ишлар кийматига киритади. Бунда, танлаш иштирокчиси ташкилотлар таклиф этаётган нархни хисоблашда I ва 4-иловалар талабларига амал килиши шарт.

8.2. Танлаш иштирокчиси объект курилиши (реконструкция қилиш, капитал таъмирилаш)нинг шартномавий нархини белгилашда кўлланилган курилиш материалларининг нархлар ва компонентлар жадвалини тўлдиради. Бунда курилиш материаллари турини танлаш ҳужжатларида Ф-5 шаклидаги (локаль ресурс кайдномаси) рўйхатдан олади ва пудратчи томонидан мустакил танлаш предметининг техник жихатларидан келиб чикиб тўлдиради.

Хар бир аниқ объект асосий курилиш материаллари номенклатураси (расмий рўйхати) объект кийматининг 100 % ини (лойихада кўзда тутилган) ташкил этувчи курилиш материалларини хисобга олган холда тўлдирилади.

8.3. Танлаш иштирокчиси объектда бажариладиган иш ҳажмларининг баҳолангандаги рўйхатини ва асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлар жадвалини босма кўринишида, хат доғларисиз ва тузатишларсиз тақдим этиши керак.

8.4. Сўз билан ёзилган нарх ва ракам билан кўрсатилган нарх орасида тафовут бўлса, сўз билан кўрсатилган нарх қабул килинади.

8.5. Ҳажм бирлигининг киймати ва ишнинг умумий ҳажми суммаси орасида тафовут бўлса ҳажм бирлигига белгилангандаги нарх қабул килинади.

8.6. Танлашда белгилангандаги курилишнинг нархи ва муддати ўзгартирилмайди, қонунчилик билан белгилангандаги ҳолатлар (буортмачи томонидан ишлар ҳажмини ўзгартирилиши, енгилмас куч таъсири, курилишнинг бир йилдан ортиқ давомийлиги) бундан мустасно.

8.7. Шартнома нархини иккинчи ва кейинги йилларга мувофикаштириш асосий нарх шакллантируvчи компонентларнинг нархлари ўзгарганда қонунчиликда белгилангандаги тартибда олиб борилади.

IX. ТАНЛАШ ТАКЛИФИННИГ АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИ

9.1. Танлаш таклифининг амал қилиш даври танлаш таклифлари очилган кундан бошлаб 30 кундан кам бўлмаслиги керак, агарда ТАЖда бошка ҳолат кўрсатилмаган бўлса.

9.2. Алоҳида ҳолларда таклифнинг бирламчи амал қилиш даври тугаш вақтигача танлаш ташкилотчиси танлаш иштирокчилари билан таклифнинг амал қилиш муддатини узайтириш ҳакида келишиши мумкин, келишув ёзма шаклда расмийлаштирилган холда.

X. ТАКЛИФЛАРНИ БЕРИШ ШАКЛИ

10.1. Танлаш иштирокчиси таклифни ташкил этувчи барча ҳужжатларнинг битта аслини тақдим этиши керак.

10.2. Таклифнинг асли нусхаси босма ёзувда бўлиши керак. 2,3,4,5,6,7,8-шаклларнинг ва 1,2,3,4-иловаларнинг ҳар бир бети танлаш иштирокчиси раҳбари ёки ваколат берилган шахс томонидан имзо чекилган ва танлаш иштирокчисининг муҳри билан тасдикланган бўлиши керак. 8-шакл танлаш иштирокчисининг раҳбари томонидан имзолангандаги ва унинг муҳри билан тасдикланган бўлиши керак.

10.3.“Танлаш иштирокчиларига хабарнома”га мувофик зарур ёзувлар ёки тузатишлар киритилган таклифнинг барча бетлари танлаш таклифи остига ўз имзосини кўйган шахс томонидан тасдикланиши керак.

10.4. Таклифда ўзгартиришлар, сатрлар орасига киритмалар ва ўчиришлар бўлмаслиги керак. Танлаш ташкилотчиси хабарномасига мувофик киритилган ёки танлаш иштирокчиси йўл кўйган хатоларни тузатиш учун зарур бўлган ўзгартиришлар бундан мустасно. Мазкур тузатишлар таклиф остига ўз имзосини чеккан шахс томонидан имзоланиб, тасдикланган бўлиши керак.

10.5. Танлаш комиссияси ҳар кандай ўзгартиришлар, четга чикишлар ёки мукобил таклифларни қабул килиш ёки рад этиш ҳукукини ўзида саклаб қолади. Танлаш ҳужжатлари талабларини ошируvчи ўзгартиришлар, четга чикишлар, мукобил таклифлар ва бошка омиллар танлаш таклифларини баҳолашда эътиборга олинмайди.

XI. ТАКЛИФНИ КОНВЕРТГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА БЕЛГИ ҚЎЙИШ

11.1. Танлаш иштирокчисини имзо ва муҳр билан тасдикланган таклифи, иккита бир-бирига солинган конвертларга муҳрланган ва мазкур йўрикноманинг 11.2, 11.3, 11.4-бандларига мувофик белги қўйилган холда савдо ташкилотчисига тақдим этилади (11.8-бандда кўрсатилган ҳолатлардан ташкари).

11.2. Ташкил конвертда 1-йигма жилдга тегишли ҳужжатлар ва ички конверт жойлашади. Ички конвертда эса 2-йигма жилдга тегишли ҳужжатлар жойлашади.

11.3. Ташкил конверт қўйидагича белгиланади:

- таклифни қабул қилиш манзили кўрсатилади;
- танлаш иштирокчиси номи;
- танлаш предметининг номи;
- таклифни топшириш санаси.

11.4. Ички конверт қўйидагича белгиланади:

- танлаш иштирокчиси номи;
- танлаш предметининг номи;
- "молиявий таклиф" ёзуви.

11.5. Танлаш таклифини ўзгартириш ёки уни хисобдан чиқариш ҳакидаги хабарнома конвертда мухрланган, танлаш иштирокчисининг имзоси ва муҳри билан тасдикланган ҳолда савдо ташкилотчисига тақдим этилади.

11.6. Ўзгартиришлар киритилган конвертлар 11.3 ва 11.4-бандларга мувофик "Ўзгартиришлар" ёзуви билан белгиланади.

11.7. Таклифни хисобдан чиқариш ҳакидаги хабарнома конвертида қўйидагилар кўрсатилиади:

- танлаш иштирокчиси номи;
- танлаш предметининг номи;
- "танлаш таклифини хисобдан чиқариш ҳакида хабарнома" ёзуви.
- танлаш таклифини хисобдан чиқариш ҳакидаги хабарномани бериш санаси.

11.8. Дастребаки малака танлаши оркали танлаш ўтказилганда биринчи ва иккинчи йигма жилд хужжатлари алоҳида топширилади.

XII. ТАНЛАШ ТАКЛИФНИ БЕРИШ

12.1. Таклифлар танлаш ташкилотчисига ТАЖда кўрсатилган тартибида, ўз муддатида ва манзил бўйича тақдим этилиши керак.

12.2. Дастребаки малака танлаши оркали танлаш ўтказилганда (мазкур йўрикноманинг 1.2-бандига ва ТАЖга каранг) дастребаки малакани ўтказиш санаси тайинланади (ТАЖга каранг).

12.3. Буюртмачи танлаш комиссияси билан келишган ҳолда таклиф бериш муддатини узайтириши мумкин. Бу ҳакда танлаш ташкилотчиси танлаш иштирокчиларига хабарномалар оркали билдиради.

12.4. Таклиф танлаш ташкилотчисига тақдим этилгандан сўнг, у таклиф кабул килинганлигини алоҳида қайд этиш китобида рўйхатга олади.

12.5. Буюртмачи томонидан таъмирилаш ишлари хужжатлари танлаш иштирокчисига мазкур йўрикноманинг 5.3-банди талабларига асосан тақдим этилмаган ёки рад қилинган ҳолларда танлаш иштирокчиси танлаш таклифини топшириш муддатини узайтириш ҳакида танлаш ташкилотчисига мурожаат килиши мумкин.

12.6. Юкоридаги бандда қайд этилган ҳолат рўй берган ҳолларда танлаш ташкилотчиси, буюртмачи билан келишган ҳолда, танлаш иштирокчиси буюртмачидан лойиха хужжатларини олганлиги ҳакидаги далолатномани кабул килган кундан бошлаб, энг камида 3 кун муддатга танлаш таклифини топшириш муддатини узайтириши мумкин.

XIII. ТАНЛАШ ТАКЛИФНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ ХИСОБДАН ЧИҚАРИШ

13.1. Таклиф берилганидан кейин танлаш иштирокчиси танлаш таклифига ўзгартиришлар киритиши ёки уни хисобдан чиқариши мумкин, шу шарт биланки, ушбу ўзгартиришлар ёки таклифни хисобдан чиқариш хабари таклифларни бериш муддати ичida ёзма равишда танлаш ташкилотчисига тақдим этилган бўлса.

13.2. Танлаш иштирокчиси киритаётган ўзгартиришлар ёки таклифни хисобдан чиқариш ҳакидаги хабарнома мазкур йўрикноманинг 11.5, 11.6, ва 11.7-бандларига биноан тайёрланган, мухрланган ва белги кўйилган бўлиши ҳамда 12.1-бандда кўрсатилган танлаш таклифларини бериш муддати тугамасдан олдин етказиб берилиши керак.

13.3. Таклифлар бериш муддати тугагандан кейин таклифларга ўзгартиришлар киритишга йўл кўйилмайди.

XIV. ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ ОЧИШ ВА БАХОЛАШ

14.1. Танлаш буюртмачининг манзилида ўтказилади, агарда ТАЖда бошка ҳолат кўрсатилмаган бўлса.

14.2. Таклифлар (1 ва 2-йигма жиллар) солинган конвертларни очиши катнашиш истагини билдирган танлаш иштирокчисилар ёки уларнинг ваколатли вакиллари ҳозирлигига ТАЖда кўрсатилган манзилда, эълон/таклифнома ёки хабарномада кўрсатилган кун ва соатда ўтказилади.

14.3. Танлаш иштирокчиларни ҳозир бўлган ваколатли вакиллари ўзларининг иштироки ҳакида гувохлик белгиси сифатида реестрга ўз имзоларини кўйишилари керак.

14.4. Танлаш комиссияси таклифларини хисобдан чиқариш ҳакида хабарнома йўллаган танлаш иштирокчиларини эълон килади (агар бўлса).

14.5. Таклифни хисобдан чиқариш ҳакидаги хабарномалар берилган таклифлар очилмайди. Танлаш хужжатларида белгиланган муддатдан кейин тушган таклифлар кўриб чиқилмайди. Таклифларни тақдим этиш санаси танлаш ташкилотчисининг таклифларни олингандаги почта хабарномасидаги белги бўйича ёки танлаш ташкилотчисининг таклифларни иштирокчиларга берилган санаси ҳакидаги хабарнома санаси бўйича (таклифларни кўлда етказиб берган ҳолларда) аникланади.

14.6. Йигма жиллар таркибини ўрганиш ва баҳолаш, шунингдек танлаш голибини аниклаш ёпик йигилишларда амалга оширилади. Танлаш таклифларини ўрганиш ва баҳолашга оид ахборот ошкор килинмайди, конунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

14.7. Тақдим этилган таклифларнинг очилгунга кадар бутлиги учун жавобгарлик танлаш ташкилотчиси зиммасида бўлади.

14.8. Агар ТАЖда бошка ҳолат кўрсатилмаган бўлса, таклифларни баҳолаш даври танлаш таклифлари очилган кундан эътиборан узоги билан 10 кунни ташкил этади.

14.9. Танлаш комиссияси ташки конвертни (1-йигма жилд хужжатларини) очади, таклифларни тўғри тўлдирилганини, имзоланганини ва умумий ҳолати юзасидан ўрганади, танлаш иштирокчилар малакасини баҳолашни амалга оширади.

14.10. Малака баҳоланганидан сўнг малакадан ўтган ва 2 йигма жилни очилишига рухсат олган танлаш иштирокчилари эълон килинади. Танлаш комиссияси 1-йигма жиллар таркибини ўрганиш ва баҳолаш натижалари эълон қилинмасдан олдин танлаш иштирокчиларнинг 2-йигма жилларини очишга хакки йўк.

14.11. Танлаш комиссияси ички конвертни (2-йигма жилд хужжатларини) очади, уларни ўрганади, баҳолашни ўтказади, галибни аникланайди ёки бошка карорларни кабул киласди.

14.12. Танлаш комиссиясининг барча карорлари кўпчилик овоз билан қабул килинади, овозлар тенг бўлганда комиссия раисининг овози ҳал этувчи хисобланади.

14.13. Малакани баҳолаш ва якуний баҳолаш танлаш комиссияси тасдиқлаган ва ушбу йўрикноманинг иловаларида кўрсатилган баҳолаш мезонларига биноан амалга оширилади.

14.14. Танлаш комиссияси томонидан танлаш иштирокчилар тақдим этган маълумотлар нотўғрилиги аникланган ҳолда, танлаш комиссияси ушбу танлаш таклифини рад килишга хакли.

14.15. Танлаш комиссияси танлаш хужжатлари талабларидан таклифдаги аҳамиятсиз фаркларни эътиборга олмасликка хакли, агарда улар бошка катнашчилар рейтингига таъсир килмаса.

14.16. Марказлаштирилган манбалар хисобидан молиялаштириладиган обьектларни баҳолаш Ўзбекистон Республикаси “Давлат ҳаридлари тўғрисида”ги Конунига биноан ва ТАЖда кўрсатилган ҳолда амалга оширилади.

14.17. Танлаш комиссиясининг ҳар бир йигилишида баённома юритилади.

14.18. Танлашга киритилмаган ёки рад килинган (дисквалификация қилинган) таклифлар баённомаларда кайд этилиб, уларни рад килиш ёки дисквалификация килиш сабаблари кўрсатилади.

14.19. Танлаш комиссияси танлаш таклифларини батафсил ўрганиш ва баҳолаш учун баҳолаш турухларини тузиши мумкин. Баҳолаш турухларининг таркибига танлаш комиссияси аъзолари билан биргаликда жалб килинган эксперт ва консультантлар (танлаш комиссиясининг карори бўйича) киритилиши мумкин. Баҳолаш турухларининг аъзолари танлаш комиссияси аъзолари каби танлашни ташкиллаштириш ва ўтказишга доир конунчилликка ва мазкур танлаш хужжатлари талабларига риоя этиш масъулиятини ўз зиммаларига оладилар.

XV. ТАКЛИФЛАРНИ ТУШУНТИРИШ

15.1. Танлаш комиссияси таклифларни баҳолаш ва таққослаш учун таклифни танлаш комиссияси мажлисида кўриб чикиш вактида танлаш иштирокчиларидан таклифлар мазмунига тушунчалар беришни сўраши мумкин. Бунда таклифнинг мазмунини, шу жумладан нархи ёки бажариш муддатини ўзгартирувчи тушунтиришлар берилишига йўл кўйилмайди.

XX. ТАНЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ, ШАРТНОМАВИЙ МАЖБУРИЯТЛАР ИЖРОСИ МОНİТОРИNGI

20.1. Буюртмачи танлаш якунланган кундан кейин беш кунлик муддат ичida маҳсус ахборот порталида танлаш натижалари (предмети, галиби, шартномавий нархи ва инвестицион лойиҳани бажариш муддати) хақида эълон чоп этади.

20.2. Танлаш натижаларига кўра эркин муомаладаги валютада тузилган шартнома белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

20.3. Буюртмачи ва пурратчи (танлаш галиби) ҳар ойда томонларнинг танлаш талабларини бажарилиши хақидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси Курилиш вазирлигининг курилишда танлаш савдоларини ташкил этиш консалтинг марказига белгиланган тартибда тақдим этишга мажбур.

XXI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

21.1. Танлаш куйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон қилинади, агар:

- таклифларни бериш муддатини якунланишига учтадан кам таклиф келиб тушса;
- агар таклифларни кўриб чикиш натижасида танлаш комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки факат битта таклиф танлаш хужжатлари талабларига мувофик келса:

- танлаш иштирокчилари таклиф этган нархлар танлаш предметининг бошлангич кийматидан ошик бўлса;
- танлаш комиссияси томонидан асосланган бошка холатлар юзага келиб, ваколатли орган билан келишилган ҳолда танлаш ўтказилмаган деб топилса.

21.2. Танлашни бўлиб ўтмаган деб эълон килиниши танлашнинг бирон-бир иштирокчиси (танлаш комиссияси, буюртмачи, ташкилотчи, танлаш иштирокчilar)ни мулкий ёки бошка жавобгарликка тортилишига олиб келмайди.

21.3. Агар танлаш бўлиб ўтмаган деб топилса, тақорий танлаш ўтказилади. Бунда танлаш хужжатлари талабларини кайта кўришига рухсат этилади.